

ДИҚҚАТ ЕР ҚОНУНЧИЛИГИДА ЯНГИЛИК!!!

ҚХММБ: 09/19/1012/4172-сон
19.12.2019 й.

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 18 » декабрь 2019 у.

№ 1012

Toshkent sh.

**Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган
боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш тартиби тўғрисидаги
низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ–5742-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган, яроқсиз боғ ва токзорлардан самарали фойдаланишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

ДИҚҚАТ ЕР ҚОНУНЧИЛИГИДА ЯНГИЛИК!!!

1. Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш тартибн тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, ушбу Низом талаблари боғ ёки токзори мавжуд бўлган фермер хўжаликларига ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига нисбатан татбиқ этилади, деҳқон хўжаликлари бундан мустасно.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси 2020 йилдан бошлаб ҳар йили 1 октябрга қадар:

иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзор майдонларининг манзилли рўйхатини шакллантирсин;

яроқсиз деб топилган иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосилли боғ ва токзорлар ўрнида интенсив боғ ва токзорлар барпо қилиш ёки уларни ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш ҳамда экспортбоп ва сердаромад қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш чораларини кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси яроқсиз деб топилган кам ҳосил берадиган боғ ва токзорлар ўрнида интенсив боғ ва токзорлар барпо қилиш бўйича қатъий назорат ўрнатсин.

ДИҚҚАТ ЕР ҚОНУНЧИЛИГИДА ЯНГИЛИК!!!

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

ДИҚҚАТ ЕР ҚОНУНЧИЛИГИДА ЯНГИЛИК!!!

Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроксиз деб топиш тартиби тўғрисидаги низомга илова

Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроксиз деб топиш ҳамда уларнинг ўрнида интенсив боғ ёки токзорлар барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш
СХЕМАСИ

Боскичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Кўриб чиқиш муддати
1-боскич	Ер участкаларини эгаллик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш масалаларини кўриб чиқувчи туман (шаҳар) комиссияси	Иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроксиз деб топиш ҳамда улар ўрнида интенсив боғ ва токзор барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш бўйича Комиссия йигилишини ўтказиш ва зарур тадбирларни белгилаш.	2020 йилдан бошлаб ҳар йили 20 сентябрга қадар
2-боскич	Ер участкаларини эгаллик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш масалаларини кўриб чиқувчи туман (шаҳар) комиссияси	Фермер хўжаликлари ва бошқа кишлоқ хўжалиги ташкилотларининг иқтисодий жиҳатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзор майдонларининг манзилли рўйхатини шакллантириш, деҳқон хўжаликлари бундан мустасно.	Ҳар йили 1 октябрга қадар

ДИҚҚАТ ЕР ҚОНУНЧИЛИГИДА ЯНГИЛИК!!!

3-босқич	Ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш масалаларини кўриб чиқувчи туман (шаҳар) комиссияси	Манзилли рўйхатига киритилган иқтисодий жихатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни Низомнинг 7-банди талаблари асосида ўрганиш ва таҳлил қилиш; таҳлил натижаси бўйича уч нусхада далолатнома тузиш; далолатноманинг бир нусхасини фермер хўжалиги ёки тегишли кишлоқ хўжалиги ташкилотига, иккинчи нусхасини комиссияга, учинчиси нусхасини туман (Кувасой шаҳар) кишлоқ хўжалиги бўлимига тақдим этиш.	Ҳар йили 25 октябрга қадар
4-босқич	Ер участкаларини эгалик қилишга, фойдаланишга, ижарага бериш ва мулк қилиб бериш масалаларини кўриб чиқувчи туман (шаҳар) комиссияси	Далолатнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар (материаллар) асосида иқтисодий жихатдан самарасиз, кам ҳосил берадиган боғ ва токзорларни яроқсиз деб топиш ва уларнинг ўрнида интенсив боғ, токзор барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисида хулоса тайёрлаш ва туман (шаҳар) хокимлигига тақдим этиш.	Ҳар йили 26 октябрга қадар

ДИҚҚАТ ЕР ҚОНУНЧИЛИГИДА ЯНГИЛИК!!!

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Кўриб чиқиш муддати
5-босқич	Туман (шаҳар) ҳокимлиги	<p>Комиссия хулосасини тегишлиги бўйича Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ёки Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги билан келишиш;</p> <p>яроқсиз деб топилган боғ, токзор ўрнида интенсив боғ, токзор барпо этиш ёки ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш.</p>	Ҳар йили 1 ноябрга қадар
6-босқич	Фермер хўжалиги ёки тегишли қишлоқ хўжалиги ташкилоти раҳбарлари	<p>Туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига асосан яроқсиз деб топилган боғ ёки токзорни бузиш ҳамда ер участкасини дарахт колдикларидан (илдизларидан) тозалаш;</p> <p>туман ҳокимининг қарорига асосан яроқсиз деб топилган боғ ёки токзор ўрнида интенсив боғ ёки токзор барпо қилиш;</p> <p>ҳайдаладиган ерлар тоифасига ўтказилган боғ ва токзорлар ўрнида экспортбоп ва сердаромад қишлоқ хўжалиги экинларини экиш.</p>	Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой муддатда

ДИҚҚАТ ЕР ҚОНУНЧИЛИГИДА ЯНГИЛИК!!!

Приложения Яндекс Почта Карты Маркет Новости Словари Видео Музыка Диск Другие закладки



11660	Государственный комитет Республики Узбекистан по земельным ресурсам, геодезии, картографии и государственному кадастру	25/12/2019	10/01/2020	18
-------	--	------------	------------	----

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

О мерах по совершенствованию системы регистрации недвижимости и кадастра

ID-11660

ЛОЙИХА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Қўчмас мулкни рўйхатга олиш ва кадастр тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Таклифлар 1

Таклифларни кўрсатиш

ДИҚҚАТ ЕР ҚОНУНЧИЛИГИДА ЯНГИЛИК!!!

Сўнги йилларда мамлакатимизда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олишни такомиллаштириш, давлат кадастрларини юритиш, геофазовий ахборотни шакллантириш бўйича бир қатор туб ўзгаришлар амалга оширилди. Аҳоли ва тадбиркорлар учун рўйхатга олишнинг ҳуқуқий базаси яратилди ва тартиб-таомиллари содалаштирилди.

Шу билан бирга, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, давлат кадастрларини юритиш тизимини ўрганиш натижалари бир қатор камчиликларни аниқлаб бердики, улар мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини оширишга, прогнозлаш ва бизнесни ривожлантириш учун тўғри бошқарув қарорларини қабул қилишга тўсқинлик қилади.

Бундан ташқари, мавжуд имкониятлар ва салоҳиятдан етарлича фойдаланмаслик, шунингдек қуйидаги кўрсатилган тизимли муаммоларнинг мавжудлиги кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, давлат кадастрларини тизимли юритиш, кўчмас мулкнинг кадастр баҳосини шакллантириш тизимини янада такомиллаштиришга тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

биринчи – кўчмас мулк объектларини рўйхатга олиш юзасидан олиб борилаётган ислоҳотларнинг амалиётга етарлича жорий этилмаганлиги оқибатида “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботининг тегишли индикаторлари бўйича мамлакат рейтингини паст ўринларда қолмоқда;

иккинчи – яратилган ахборот тизимларига қарамай, ваколатли вазирликлар ва идоралар томонидан ҳар бир давлат кадастри бўйича геоахборот маълумотлар базалари шакллантирилмаган;

учинчи – кўчмас мулк объектлари бўйича давлат кадастр ҳисобга олиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш билан тўлиқ қамраб олинмаган;

тўртинчи – кўчмас мулкни давлат кадастр ҳисобига олиш ва унга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи маъмурий бошқарув тизими мураккаб тузилмага эга;

бешинчи – тармоқда давлат-хусусий шериклик элементлари жорий этилмаган;

олтинчи – тармоқни молиявий ривожлантириш, давлат кадастр маълумотлари монетизациясининг мақсадли параметрлари йўқ, бу кадастр ва геофазовий ахборот тизимини модернизация қилиш ва доимий қўллаб-қувватлашга тўсқинлик қилади;

еттинчи – маълумотларни сақлаш ва шакллантириш усуллари эскирганлиги, уларнинг ортиқча ёпиқлиги геофазовий маълумотлар тармоғини ривожлантиришга тўсқинлик қилади;

саккизинчи – хариталарни рақамлаш тўлиқ шакллантирилмаган, кадастр архивлари ҳали-ҳануз қоғоз ташувчиларда қолиб кетмоқда;

тўққизинчи – манзилли реестрнинг мавжуд эмаслиги давлат хизматларини, шу жумладан, интерактив тарзда тақдим этишга жиддий тўсқинлик қилмоқда.

Ушбу ҳолатлар ҳамда тўпланиб қолган тизимли муаммолар кўчмас мулк объектларининг давлат кадастр ҳисоби ва уларга бўлган ҳуқуқларни рўйхатга олиш, давлат кадастрларини юритиш, геофазовий ахборотни яратиш ва фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этади.



Хусусийлаштириладиган ер участкасининг сотиб олиш қиймати қандай аниқланади?

Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиб-таомилларини апробация қилиш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тартиби белгиланди.

Norma'нинг [ёзишича](#), президентнинг 13.08.2019 йилдаги ПФ-5780-сон фармонида 2020 йил 1 мартдан кучга кирадиган «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида» Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан эксперимент ўтказилиши белгиланди. Эксперимент 1 февралга қадар давом этади, унинг якунларига кўра янги тартиб-таомил ва унинг алоҳида механизмларининг самарадорлиги аниқланади. Республиканинг бошқа ҳудудларида унинг қўлланилиши шунга боғлиқ бўлади.

Эксперимент доирасида ер участкалари қуйидаги шаклларда хусусийлаштирилади:

1 – жисмоний ва юридик шахслар томонидан уларга доимий фойдаланиш (эгаллик қилиш) ёхуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи билан берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини сотиб олиш. «YERHUSUSIYLASHTIRISH» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали сотиб олинади. Буюртма бериш тартиби Вақтинчалик маъмурий регламентда белгиланган ва Қонунда назарда тутилганига ўхшашдир.

Хусусийлаштириладиган ер участкасининг сотиб олиш қиймати қандай аниқланади?

Хусусийлаштириладиган ер участкасининг сотиб олиш қиймати ер участкасининг майдони ва ташқи омилларнинг таъсирини инобатга олиб, мурожаат турига қараб белгиланади ва миллий валютада қуйидаги формула орқали аниқланади:

- * юридик шахслар учун: $C = K_{\text{юр}} \times S \times K$;
- * жисмоний шахслар учун: $C = K_{\text{жис}} \times S \times K$,
- * бунда:
- * **C** – сотиб олиш қиймати (сўмда);
- * **K_{юр}**, **K_{жис}** – юридик ва жисмоний шахслар учун сотиб олиш қийматини аниқлашда ўша кунда белгиланган ер солиғи ставкасининг 50 баравари (1 квадрат метр учун);
- * **S** – хусусийлаштириладиган ер участкасининг майдони (квадрат метрда);
- * **K** – ер участкаларни сотиб олиш қийматини шакллантириш коэффициенти (1 дан 1,15 гача).

Шунингдек ариза берувчи «YERHUSUSIYLASHTIRISH» техник қўллаб-қувватлаш тизимининг сотиб олиш қийматининг 3 фоизини ва Ягона биллинг тизимининг сотиб олиш қийматининг 1 фоизини ташкил этадиган хизматлари ҳақини тўлаши лозим. Ижобий хулоса тўғрисида хабарнома ва тўлов ҳисобварақалари олинган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида тўлов тўланади. Шундан кейин ариза берувчига белгиланган намунадаги ордер берилади.

Хусусийлаштириладиган ер участкасининг сотиб олиш қиймати қандай аниқланади?

2 – «E-IJRO AUKSION» электрон онлайн-аукциони орқали бўш турган ер участкаларини сотиб олиш. Унда иштирок этиш учун закат миқдори **ер участкаси бошланғич нархининг 5%и** миқдорида белгиланади. Бошланғич қиймат қуйидаги формулалар орқали аниқланади: тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида бериладиган ер участкалари учун:

- * **$C = K_{\text{юр}} \times S \times K + P_k + P_c + P_a + P_n + P_r$** ;

якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилётган ер участкалари учун:

- * **$C = K_{\text{жис}} \times S \times K + P_k + P_c + P_a + P_n + P_r$** ,

бунда:

- * **C** - хусусийлаштириладиган ер участкасининг бошланғич нархи (сўм);

- * **K_{юр}, K_{жис}** – сотиб олиш қийматини белгилаш санасида юридик ва жисмоний шахслар учун тегишлича белгиланган ер солиғи ставкасининг 50 баравари (1 квадрат метр учун);

- * **S** – хусусийлаштириладиган ер участкасининг майдони (квадрат метрда);

- * **K** – ер участкаларнинг майдонига қараб унинг сотиб олиш қийматини шакллантириш коэффициенти (1,0 дан 1,15 гача);

- * **P_k** – ер участкасини танлаш бўйича материалларни тайёрлаш ишлари қиймати;

- * **P_c** – архитектура-режалаштириш топшириғини тайёрлаш ишлари қиймати;

- * **P_a** – оператор хизматлари қиймати;

- * **P_n** – геоахборот тизимида ер участкаси чегараларини киритганлик учун ишлар қиймати;

ЎТИЛГАН МАВЗУНИ ТАКРОРЛАШ УЧУН

САВОЛЛАР:

1. Ўрмон фонди ерлари тушунчаси нимани англатади?

2. Ўрмон фонди ерларининг ҳуқуқий ҳолати қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади?


3. Ўрмон фонди ва ўрмон фонди ерлари тушунчалари ўртасида қандай фарқлар мавжуд?

4. Сиз республикамызда ва ўз вилоятингиздаги ўрмон фонди ерлари тўғрисида маълумотларга эгамисиз?

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР ФОНДИНИНГ ТОИФАЛАРИ БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАНИШИ ТАҲЛИЛИ

Т/р	Ер фондининг тоифалари	Умумий ер майдони, минг га		% ҳисобида	
		01.01. 2018 й.	01.01. 2019 й.	01.01. 2018 й.	01.01. 2019 й.
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	20261,6	20236,3	45,13	45,08
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	221,2	221,4	0,49	0,49
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	857,1	866,3	1,91	1,93
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	704,4	710,4	1,57	1,58
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	14,3	14,5	0,03	0,03
6	Ўрмон фонди ерлари	11153,3	11199,5	24,84	24,95
7	Сув фонди ерлари	833,7	836,9	1,86	1,87
8	Заҳира ерлар	10846,8	10807,1	24,16	24,07
	Жами ерлар:	44892,4	44892,4	100.0	100.0

Ўрмон фонди ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича тақсимланиши (% ҳисобида)



Ўрмон фонди ерларининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича тақсимланиши

(минг га.хисобида)

Т/р	Республика ва вилоятларнинг Номи	Умумий ер майдони	Экин ерлар	Кўп йиллик дарахтзорлар					Бўз ерлар	Пичанзорлар ва яйловлар	Жами юлдуз хўжалик ерлари	Томориқ ерлар	Ўрмонзорлар	Бошқа ерлар
				жами	шу жумладан:									
					боғлар	узумзорлар	тутзорлар	метил кўчатзорлар ва бошқа дарахтзорлар						
1	Қорақалпоғистон Республикаси	5751	3,2	0,2				0,2	1,4	735,3	740,1	0,1	1009,2	4001,6
2	Андижон	7,8	0,6	0,2	0,2				0,3	2,2	3,3		1,6	2,9
3	Бухоро	633,7	0,3	0,2	0,1	0,1			0,4	207,6	208,5		326	99,2
4	Жиззах	290,3	3	1,6	1,4		0,1	0,1	0,1	95,4	100,1	0,3	153,8	36,1
5	Қашқадарё	398,4	2,2	0,3	0,3				1,1	172,8	176,4	0,2	150,2	71,6
6	Навоий	2908	3	0,2	0			0,2	0,1	1598,6	1601,9	0	1269,3	36,8
7	Наманган	126,9	0,7	0,4	0,3		0,1		0,1	87,4	88,6	0,3	17,7	20,3
8	Самарқанд	56,4	2,8	4	3,9			0,1		31,8	38,6	0,5	7,7	9,6
9	Сурхондарё	324,4	1,5	0,7	0,2			0,5		71,3	73,5	0,5	171,2	79,2
10	Сирдарё	11,1	2,7	0					0,6	1,6	4,9	0	1,8	4,4
11	Тошкент	589	1,9	1,1	1			0,1		227,3	230,3	0,1	73,9	284,7
12	Фарғона	15,2	0,3	1	0,9			0,1		0,4	1,7	0,1	7,1	6,3
13	Хоразм	87,3	0,2	0,1				0,1		50,9	51,2		32,6	3,5
14	Тошкент ш.													
	Жами:	11199,5	22,4	10	8,3	0,1	0,2	1,4	4,1	3282,6	3319,1	2,1	3222,1	4656,2

14-МАВЗУ. 2-МАЪРУЗА: ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

Р Е Ж А:

- 1. Ўрмон фонди ер участкаларни бериш ва фойдаланиш тартиби.**
- 2. Ўрмон фонди участкалари ва ерларидан фойдаланиш турлари.**

Маъруза машғулоти ўқитиш технологияси

Талабалар сони 89	14-Мавзу, 2-маъруза 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза-ахборот
Машғулотнинг режаси:	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўрмон фонди ер участкаларни бериш ва фойдаланиш тартиби. 2. Ўрмон фонди участкалари ва ерларидан фойдаланиш турлари
<p>Машғулотнинг мақсади: Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи ва унинг турлари умумий тавсифи тўғрисида тасаввурни шакллантириш.</p>	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўрмон фонди ер участкаларни бериш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида тушунчани беради. 2. Ўрмон фонди участкалари ва ерларидан фойдаланиш турлари тўғрисида тушунчани беради. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ўрмон фонди ер участкаларни бериш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида тасаввурга эга бўлади. 2. Ўрмон фонди участкалари ва ерларидан фойдаланиш турлари тўғрисида тасаввурга эга бўлади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, намойиш, ақлий ҳужум,
Ўқитиш воситалари	Доска, топшириқлар, тарқатма материаллар.
Ўқитиш шакли	Фронтал, жамоавий иш,
Ўқитиш шарт- шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория
Мониторинг	Блиц-сўров

МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 15 дақиқа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 55 дақиқа	<p>2.1. Мавзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади.</p> <p>2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади.</p> <p>Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади.</p> <p>2..3. Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.</p> <p>3. Мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)</p>	<p>Ўқийдилар</p> <p>Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар</p> <p>Талабалар жавоб берадилар</p>
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	<p>3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Топшириқни ёзиб оладилар</p>

МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Асосий:


1. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. Land Law: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
2. М.Х. Рустамбоев ва бошқ. Ер ҳуқуқи. – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. Земельное право республики Узбекистан. Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи. Т.: ТДЮИ, 2007. -215 стр.
4. А.Нигматов. Ер ҳуқуқи. – Тошкент: “Ислом Университети”, 2001. – 191б.
5. А.Нигматов. Земельное право. – Тошкент: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
6. Узоқова Г.Ш. Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи. Т.: ТДЮИ, 2006. -117 б.
7. M.Mirzaabdullaeva, A.Muqimov, Z.Xafizova. Yer huquqi, O'quv qo'llanma.- Т.: TIMI, 2016. -196 б
8. Земельное право: Учебник / С.А. Боголюбов, Э.А. Галиновская; Под ред. С.А. Боголюбова – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -400 стр.

Қўшимча:

9. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (9-БОБ), Ўзбекистон, Т.: 1998
10. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “[Ўрмон тўғрисида](#)”. -Т.: Ўзбекистон, 1999
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 11 майдаги ПФ-5041-сонли [Фармони](#)
12. Ўзбекистон Республикаси президентининг қарори ПҚ - 2966 “Ўзбекистон Республикаси [Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси](#) фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 11.05.

Интернет ресурслари

1. [http:// www.colibri.ru/;](http://www.colibri.ru/)
2. [http:// www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)



Давлат қўмиталари йўриқномалари

Ўзбекистон Республикаси Фармонлари

Умумий аҳамиятдаги қонунлар

Ўрмон фонди ерларида юзага келадиган ер муносабатларини тартибга солувчи манбалар

Қонунлар

Қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

Махсус аҳамиятдаги қонунлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

Тегишли вазирликлар буйруқлари

2

3

1

1

3

2

Рекреация мақсадлари учун мўлжалланган ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи манбалар

Қонунлар

Умумий аҳамиятдаги:

- Ўзбекистон Республикаси конституцияси. 1992
- Ўзбекистон Республикаси қонуни «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», 1992
- Ўзбекистон Республикаси қонуни «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» . 2004

Махсус аҳамиятдаги:

- Ўзбекистон Республикаси ер кодекси. 30.04.1998
- Ўзбекистон Республикаси қонуни «[Ўрмон тўғрисида](#)» 16.04.2018
- Ўзбекистон Республикаси қонуни «[Яйлов тўғрисида](#)» 20.05.2019

Қонуности ҳужжатлари

- Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2017 йил 11 майдаги ПҚ-2966-сон қарори «Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги Давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»
- Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2000 йил 5 июндаги 215-сонли қарори «Ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларини аниқлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ»
- *Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган «Давлат ўрмон кадастрини юритиш тартиби тўғрисида [НИЗОМ](#)*

Нима сабадан Ўрмон хўжалиги кўмитаси ташкил этилди?

Мамлакатимизнинг ўрмон хўжалиги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, жумладан, ноёб манзарали ва мевали дарахтлар ҳамда доривор ўсимликларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бугунги кунда ўрмон фондининг 300 дан ортиқ ўсимлик ва 180 дан ортиқ ҳайвон турлари «Қизил китоб»га киритилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўрмон хўжалиги соҳасида кенг қамровли ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида республикада ўрмон фонди ер майдони ҳажми сезиларли даражада кўпайди. Бугунги кунда давлат ўрмон фонди ерлари ҳажми республика умумий ер майдонининг 25,2 фоизини ташкил этади. Ушбу кўрсаткич мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида 5,3 фоиздан ошмас эди.

Ҳозирги пайтда, республикамизнинг ўрмон фонди бир неча давлат ташкилотлари томонидан бошқарилмоқда. Бу эса ўрмон фондидан самарали фойдаланишда ягона давлат сиёсатини юритиш принципига мос тушмайди.

Бундан ташқари, соҳанинг моддий-техника базаси жисмонан ва маънан эскиргани ва етарли даражада модернизация қилинмаётгани, халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларнинг грантларини соҳага жалб қилиш ишларининг сустлиги, ушбу тармоқда юқори малакали мутахассислар етишмаслиги, ўрмон қонунчилигидаги айрим меъёрларнинг амалий аҳамияти ва уларни амалга ошириш механизми йўқлиги соҳа фаолиятини ривожлантириш, ўрмонларни кўпайтириш, муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишда қийинчиликлар туғдирмоқда.

Нима сабадан Ўрмон хўжалиги қўмитаси ташкил этилди?

Шу муносабат билан ўрмон хўжалиги соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга ошириш ва давлат бошқарувини такомиллаштириш, ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида кўзда тутилган бошқа вазифаларни ҳал этиш, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва ўрмон хўжалигини янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги [Фармони](#) ва «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги **қарори** қабул қилинди.

Қабул қилинган ҳужжатларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси негизида мустақил Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил қилиш йўли билан соҳани бошқариш тузилмасини такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Нима сабабдан Ўрмон хўжалиги қўмитаси ташкил этилди?

Қарорга асосан Тошкент вилояти ҳокимлиги тасарруфидаги Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ва унинг таркибига кирувчи Чотқол давлат биосфера қўриқхонаси, Оҳангарон ва Бурчмулла ўрмон хўжаликлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимининг сув хўжалиги ташкилотлари таркибидаги ирригация ўрмон хўжаликлари Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимига берилди.

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, «Ўрмонлойиҳа» давлат унитар корхонаси, «Шифобахш» доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш маркази, Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилигини таҳлил қилиш маркази ташкил этилди.

**Ўрмон
хўжалигини
ташқил этишнинг
асосий
қоидалари
(26 –модда)**

ўрмонларнинг ҳимоя қилиш, соғломлаштириш,
рекреация ва бошқа фойдали табиий хусусиятларини
сақлаш ҳамда кучайтириш

ўрмонлардан оқилона фойдаланиш

ўрмонларни такрорий кўпайтириш, уларнинг
маҳсулдорлигини ошириш, нав таркиби ва сифатини
яхшилаш

ўрмонларни ёнғиндан қўриқлаш, зараркунандалар
ва касалликлардан ҳимоя қилиш

ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларини аниқлаш

ўрмоннинг етилиш ёшини, дарахт кесиш усуллари
ва ўрмондан фойдаланиш нормаларини белгилаш

ўрмон фонди ерларидан оқилона фойдаланиш

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилий-
техник тадбирлар

Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи ва унинг турлари

- * Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг **Ер кодекси (10-боб 76-моддаси)** ва **“Ўрмон тўғрисида”** қонуннинг меъёрлари билан тартибга солинади. Ўрмон фонди ерлардан фойдаланиш ҳуқуқи ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир, шунинг учун бу ерлардан фойдаланиш тартиби маълум даражада ўрмон ерлари кимга ва қандай мақсадлар учун бериб қўйилганлигига боғлиқ бўлади.
- * Ўзбекистонда ўрмонлардан фойдаланишни бошқариш Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Харакатдаги ўрмон қонунчилигига кўра, ер участкаларни бериш ва фойдаланиш тартиби меъёрларда қуйидагича белгиланган:



ўрмонлардан фойдаланиш
(31–модда),

Ўрмондан доимий фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (36-модда)

ўрмонлардан махсус
фойдаланиш ҳуқуқини бериш
(32-модда),

Ўрмондан вақтинча фойдаланувчиларнинг
ҳуқуқ ва мажбуриятлари (34 модда)

ЎРМОН ФОНДИНИ ТАКСИМЛАШ ВА ҚАЙТА ТАКСИМЛАШ ТАРТИБИ



**Ўрмон фонди участкалари ва
ерларидан фойдаланиш муддати**

**Узоқ
муддатли
(10 йилгача)**

**Қисқа
муддатли
(3 йилгача)**

Асос (ерларни
фойдаланиш учун
олиш мақсадида
давлат органи билан
жисмоний ёки юридик
шахс ўртасида
тузиладиган шартнома)

Асос (ўрмон кесиш
чиптаси ёки ордери)

Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи табиатдан фойдаланиш ҳуқуқи турларидан бири ҳисобланади, аммо ўрмондан фойдаланиш бўйича муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ўрмон бойликларининг ўзига хосликларига мос келадиган ўзининг алоҳида жихатларига эгадир.

Ўрмондан фойдаланиш характериға боғлиқ равишда қонунчилик (Ўзбекистон Республикаси “Ўрмон тўғрисида” қонунининг 36–моддаси) ўрмондан фойдаланишнинг қуйидаги асосий турларини белгилайди:

Дарахт ва буталарни кесиш

Чорва молларини ўтлатиш

Ўввойи холда ўсувчи ўсимликлар доривор ва техник хом-ашёсини йиғиш ҳамда тайёрлаш

дарахт ва буталарни кесмаган ҳолда ўтин ва шох-шаббаларни йиғиш

илмий-тадқиқот, маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланиш

Пичан ўриш

Асалари уялари ва қутиларини жойлаштириш

Ўввойи холда ўсувчи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари учун йиғиш ва тайёрлаш

ўрмон-овчилик, овчилик ва (ёки) балиқчилик хўжаликлари эҳтиёжлари учун фойдаланиш

экологик туризмни ривожлантириш мақсадида фойдаланиш

**Дарахтзорлар
ва
бутазорларни
кесиш (37-
модда)**

Биноларни, иншоотларни ва коммуникацияларни қуриш чоғида давлат ўрмон фонди участкаларидаги дарахтзорлар ва бутазорларни ишлаб чиқариш-техник заруратдан келиб чиқмаган ҳолда кесиш тақиқланади.

Дарахтзорлар ва бутазорларни кесишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ўрмон кесиш (ўрмон) чипталари асосида ва фақат ўрмонларни албатта қайта тиклаш шарти билан йўл қўйилади. Дарахтзорлар ва бутазорларни кесиш ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларига қараб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ўрмонни парвариш қилиш учун кесиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

**Пичан ўриш
(38-модда)**

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат ўрмон фонди участкаларида пичан ўришга шу мақсадлар учун махсус мўлжалланган майдонларда давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан бериладиган рухсатнома асосида йўл қўйилади.

Давлат ўрмон фонди участкаларида пичан ўриш учун майдонлар ўрмон тузиш лойиҳалари, яйловлардан алмашлаб фойдаланиш схемалари ва пичан ўришнинг календарь жадвали ҳисобга олинган ҳолда фойдаланишга берилади.

Давлат ўрмон фонди участкаларида пичан ўриш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Пичан ўриш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

**Чорва
молларини
ўтлатиш
(39-модда)**

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат ўрмон фонди участкаларида чорва молларини ўтлатиш шу мақсадлар учун махсус мўлжалланган майдонларда давлат ўрмон хўжалиги органлари берадиган рухсатнома асосида амалга оширилади. Ўрмонларнинг дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақаларида, эрозиядан сақлайдиган ўрмонларда, сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш зоналаридаги ўрмонларда, алоҳида қимматга эга бўлган ўрмонларда, ёнғоқчилик зоналаридаги ўрмонларда, давлат кўриқхоналарининг ўрмонларида, шунингдек белгиланган режимга мувофиқ табиат боғларининг, буюртма кўриқхоналарининг, курорт табиий ҳудудларининг, давлат биосфера резерватларининг, давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларининг ўрмонларида чорва молларини ўтлатишга йўл қўйилмайди. Давлат ўрмон фонди участкаларида чорва молларини ўтлатишга ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг камёб ва қимматли турлари табиий равишда такрорий кўпайишини, ёввойи ҳайвонларни сақлаб қолишни, шунингдек эрозия жараёнларининг юзага келиш эҳтимолининг олдини олишни таъминлаш шарти билан йўл қўйилади.

**Асалари уялари ва
кутиларини
жойлаштириш
(40-модда)**

Юридик ва жисмоний шахсларга асалари уялари ва кутиларини жойлаштириш учун давлат ўрмон фонди участкалари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг рухсатномаси бўйича берилади.

**Ёввойи ҳолда ўсувчи
ўсимликларнинг
доривор ва техник хом
ашёсини, озиқ-овқат
мақсадлари учун
ёввойи ҳолда ўсувчи
ўсимликларни йиғиш
ва тайёрлаш
(41-модда)**

Юридик ва жисмоний шахсларга ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг доривор ва техник хом ашёсини, озиқ-овқат мақсадлари учун ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш учун рухсатнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан берилади.

Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг доривор ва техник хом ашёсини, озиқ-овқат мақсадлари учун ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш мавжуд ўсимликлар ресурсларининг тугаб қолишига ҳамда ўрмон хўжалигига зарар етказилишига йўл қўйилмайдиган воситалар ва усуллар билан амалга оширилади.

Дарахт ва буталарни кесмаган ҳолда ўтин ва шох-шаббаларни йиғиш (42-модда)

Ўрмондан доимий фойдаланувчилар томонидан давлат ўрмон фонди участкалари дарахт ва буталарни кесмаган ҳолда ўтин ва шох-шаббалар йиғиш учун юридик ҳамда жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилиши мумкин.

Ўрмон фонди ерларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун фойдаланиш (43-модда)

Ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш давлат ўрмон фондига зарар етказмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Ўрмон-овчилик,
овчилик ва (ёки)
балиқчилик
хўжалиги
эҳтиёжлари учун
фойдаланиш
(44-модда)**

Давлат ўрмон фонди участкаларидан ўрмон-овчилик, овчилик ва (ёки) балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш ҳуқуқи юридик ва жисмоний шахсларга берилади. Давлат ўрмон фонди участкаларидан ўрмон-овчилик, овчилик ва (ёки) балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**Экологик
туризмни
ривожлантириш
мақсадида
фойдаланиш
(46-модда)**

Давлат ўрмон фонди участкаларидан экологик туризмни ривожлантириш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан фойдаланишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

**Илмий-тадқиқот,
маданий-
маърифий,
тарбиявий,
соғломлаштириш,
рекреация ва
эстетик
мақсадларда
фойдаланиш
(45-модда)**

Давлат ўрмон фонди участкаларидан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланиш қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан давлат ўрмон фонди участкаларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланишга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўрмондан доимий фойдаланувчилар билан келишилган ҳолда йўл қўйилади.

Давлат ўрмон фондининг маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланиш учун берилган участкаларида ўрмондан фойдаланувчилар бу участкаларни ободонлаштиришга доир тадбирларни ўрмонларни ҳамда табиий ландшафтларни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш, ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги ва санитария қоидаларига риоя қилиш шarti билан ўтказади.

Давлат ўрмон фонди участкаларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Ўрмондан фойдаланувчилар ҳуқуқларининг кафолатлари (35-модда)

Ўрмондан фойдаланувчиларнинг фаолиятига давлат органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан аралashiшга йўл қўйилмайди

Ўрмондан фойдаланувчиларнинг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тикланиши лозим

Ўрмондан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузиш оқибатида етказилган зарарларнинг (шу жумладан бой берилган фойданинг) ўрни тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

**ЎРМОНДАН ВА ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИДАН
ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚЛАРНИ
МУСТАХКАМЛАЙДИГАН ҲУЖЖАТЛАР**

**ижара
шартномаси**

**дарахт
кесишга
рухсат
берадиган
чипта**

**ўрмон
чиптаси**

**Ижара
шартномасида
ўрмон фонди
участкасидан
фойдаланиш-
нинг асосий
қоидалари ва
шартлари**

ўрмон фонди участка чегараларининг тавсифи

ўрмондан фойдаланиш турлари, хажми ва тартиби

ўрмон фонди участкасининг неча йилга ижарага берилганлиги

ўрмондан фойдаланувчининг ўрмон бойликларини муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш ва қайта ишлаш борасидаги мажбуриятлари, ўрмон хўжалиги тадбирларни маблағ билан таъминлаш шартлари ва тартиби

ўрмондан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш хажмлари ва тўлаш муддатлари

фойдаланиладиган участка тавсифи ва фойдаланиш муддати ўтгандан сўнг унинг ҳолатига қўйиладиган талаблар

**ЎРМОН
ХЎЖАЛИГИ
НИ ТАШКИЛ
ЭТИШНИНГ
АСОСИЙ
ҚОИДАЛАРИ
(14-МОДДА)**

Ўрмонларнинг ҳимоя этиш, соғломлаштириш ва бошқа фойдали табиий хусусиятларини сақлаш ва кучайтириш

Ўрмонлардан оқилона фойдаланиш

Ўрмонларни такрорий кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, нав таркиби ва сифатини яхшилаш

Ўрмонларни ёнғиндан кўриқлаш, зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш

Ўрмонларнинг кўриқланиш тоифаларини аниқлаш

Ўрмоннинг етилиш ёшини, дарахт кесиш усуллари ва ўрмондан фойдаланиш нормаларини белгилаш

Ўрмон фонди ерларидан оқилона фойдаланиш

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилий-техник тадбирлар

**Ўрмонлар
нинг давлат
ҳисоби
(20-модда)**

Ўрмонларнинг давлат ҳисоби давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан ўрмон тузиш лойиҳалари асосида, ўрмон тузиш амалга оширилмаган жойларда эса давлат ўрмон фондини инвентаризациядан ўтказиш ва текшириш материаллари асосида юритилади.

Ўрмонларнинг давлат ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ягона тизим бўйича юритилади.

**Давлат
ўрмон
кадастри
(21-модда)**

Давлат ўрмон кадастри Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча ўрмонлар, уларнинг географик ўрни, ҳуқуқий режими, миқдорий ва сифат тавсифлари ҳамда иқтисодий баҳоси тўғрисидаги янгилаб бориладиган ишончли кадастр ахбороти тизимидан иборат бўлади.

Давлат ўрмон кадастри ўрмонга оид муносабатларни тартибга солиш, ўрмонларни муҳофаза қилиш, ҳимоя қилиш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш мақсадида манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ўрмон тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш учун мўлжаллангандир.

Давлат ўрмон кадастри давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ягона тизим бўйича юритилади.

УЙГА ВАЗИФА:

1. Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Ўрмон тўғрисида” қонуни ва мавзуга оид қонуности ҳужжатларининг мазмуни билан танишиб чиқиш!